



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 24 ноябрь, № 250 (8593)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЗАРБАЙЖОНГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 23 ноябрь куни амалий ташриф билан Боку шаҳрига келди.

Хайдар Алиев номидаги аэропортда олий мартабали меҳмонни Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Якуб Аюбов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

24 ноябрь куни давлатимиз раҳбари БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) биринчи саммити тадбирларида иштирок этади.

Тадбир кун тартибидан дастур доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, минтақавий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Мақсадли фонд ташкил этиш, транспорт йўлакларини рақамлаштириш учун "Йўл харитаси"ни қабул қилиш, ишбилармонлик ташаббусларини илгари суриш ва бошқа масалалар ўрин олган.

Ў.А.

Сенат Кенгашида

НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИС ҚАЧОН ЧАҚИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Унда Сенатнинг қирқ еттинчи ялпи мажлисини 2023 йил 24 ноябрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Қайд этилганидек, видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ялпи мажлисда қатор масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилган.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун, "Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида", "Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тизими такомиллаштирили-

ши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонунларни ҳам кўриб чиқиш режалаштирилган.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида қатор масалаларни ўзида акс этган шартномаларни ратификация қилиш ҳақидаги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгариш киритиш ва Сенат Кенгаши қарорларини тасдиқлаш масалалари ҳам ялпи мажлис кун тартибидан ўрин олгани айтиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ еттинчи ялпи мажлиси очирилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ еттинчи ялпи мажлиси 2023 йил 24 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз иштини бошлайди.

Ялпи мажлисни видеоконференцалоқа тарзида ўтказиш режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 43-СЕССИЯСИ САМАРҚАНДДА ЎТКАЗИЛАДИ

Куни кеча мамлакатимиз ва халқимиз учун яна бир унутилмас воқеа, қувончли янгиликка гувоҳ бўлдик. Гап шундаки, Франция пойтахти Парижда ўтказилган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 42-сессиясида Ўзбекистон томонидан берилган таклиф, яъни ушбу нуфузли тузилманинг навбатдаги 43-сессиясини 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги таклиф маъқулланди ва шу юзасидан махсус, агар таъбир жоиз бўлса, тарихий қарор қабул қилинди.

Хушxabар

Бу хушxabар барчамизни бирдек қувонтирди. Бу, ўз навбатида, янги Ўзбекистонда Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган очиклик сиёсати, ислохотлар ва янгиликларнинг ўзига хос эътирофи бўлди, десак, му- болага эмас.

Эътиборли жиҳати, ЮНЕСКО Бош конференциясининг сессияси 1985 йилдан бери, яъни қирқ йил дегаданда илк маротаба Париждан ташқарида ўтказилади.

Бунга сабаб ташкилотга аъзо давлатлардан ҳеч бири бу вақт оралиғида мазкур тадбирни ўз ҳудудида ўтказиш таклифини билдирмаган. Бу борада Ўзбекистон Президентининг ташаббуси, шундай нуфузли ташкилотнинг ўта маъсулятли тадбирини юртимизда ўтказиш таклифи таҳсинга сазовор, албатта.

Давлатимиз раҳбари ушбу тарихий воқеага муносабат билдирар экан, минтақамизда биринчи маротаба ўтказиладиган бу глобал миқёсдаги тадбир халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларининг улкан салоҳиятини яна бир бор намоиш этишга хизмат қилишига ишонганини, ўз навбатида, Ўзбекистон бўлажак сессияни юксак савияда ташкиллаштириш ва ўтказиш учун барча куч ва имкониятларини сафарбар этишини маълум қилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон сўнгги 6-7 йилда халқаро тадбирларни ўтказиш борасида катта тажриба орттирди. Шу маънода, навбатдаги муҳим тадбирни ҳам юқори савияда ўтказиш учун имконият ва салоҳиятимиз етарли, десак, айни ҳақиқат.



ЎЗБЕКИСТОН ВА БУТУН МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ НУФУЗИНИ ЖАҲОН МИҚЭСИДА ТАРҒИБ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МУҲИМ ТАДБИР

Самарқанднинг 2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказиладиган жой сифатида танланиши мамлакатимизнинг маданият, фан ва таълим соҳасидаги ютуқлари ҳамда бой тарихий ва маданий меросининг яққол эътирофи бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, ЮНЕСКО сўнгги 40 йил ичида биринчи марта ўз сессиясини бошқа давлат ҳудудида ташкил этади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев барча хорижий дўстларимиз

ва шерикларимизга ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясини 2025 йилда қадим Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги тарихий қарорни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди.

"Кўп миллатли Ўзбекистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан барча хорижий дўстларимиз ва шерикларимизга ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясини 2025 йилда қадим Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги тарихий қарорни қўллаб-қувватлагани

учун самимий миннатдорлик билдирарман, — деб ёзди давлатимиз раҳбари "Telegram" каналида. — Минтақамизда биринчи марта ўтадиган ушбу муҳим глобал миқёсдаги тадбир халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларининг улкан цивилизация салоҳиятини яна бир бор намоиш этишга хизмат қилади, деб ишонаман.

Ўз навбатида, Ўзбекистон бўлажак сессияни энг юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун барча кучини сафарбар этади".



Мулоқот

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) Европа ва Марказий Осиё бўйича бюроси минтақавий директори Беате Андреес билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқотда меҳнат муносабатлари тизими такомиллаштириш бўйича янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат шaroитларини яхшилаш бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш, соҳага халқаро стандартларни жорий этиш масалалари атрафлича кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ХМТнинг бевосита кўмағида иқтисодиёт турли тармоқларида мониторинг тадбирлари юқори даражада ташкил этилмоқда. Утган йили меҳнат шaroитлари, жумладан, қурилиш соҳасида мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатлари таҳлили ўтказилди.

2021 — 2025 йилларга мўлжалланган муносабат тизимини таъминлаш бўйича мамлакат дастури амалга ошириш "Йўл харитаси"да белгиланган чора-тадбирлар ҳозирданок натижалар бераётгани алоҳида айтиб ўтилди.

Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ижтимоий адолат коалициясини ту-

зиш, Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиё минтақасидан биринчилардан бўлиб коалиция аъзолари қаторига киргани ва олдинда турган вазифалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Муносиб меҳнат ва ижтимоий ҳимоя таъминлашнинг жорий этиш, норасмий бандликка қарши курашиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами асосий даромад билан таъминлаш, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш масалалари ҳам таҳлил қилинди.

ХМТ билан ишчилик ҳамкорлики меҳнат муносабатлари соҳасида янги қўшма лойиҳа ва дастурларни рўёбга чиқариш орқали янада мустақамлаш зарурлиги қайд этилди.

Учрашув сўнггида ХМТ конвенцияларини ратификация қилиш ва улар ижросини таъминлаш йўналишида ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

ХИТОЙ ЭЛЧИСИ ЮРТИМИЗДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Юй Цзюн билан учрашди.

Таъкидланганидек, икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик шериклик юқори босқичга кўтарилмоқда.

Учрашувда Хитой элчисига юртимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, янги таҳрирдаги Конституция мазмун-моҳияти, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида атрафлича маълумотлар берилди.

Конструктив руҳда ўтган мулоқотда икки томонлама ҳамкорликни, хусусан, парламентларо ва халқаро парламент ташкилотлари доирасидаги алоқаларни янада мустақамлаш, парламентларо дўстлик гуруҳларининг амалий мулоқотини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, маданий-гуманитар, экология ва бошқа соҳалардаги алоқалар кўламини тобора кенгайтириб бориш лозимлиги қайд этилди.

«Халқ сўзи».



ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ

— ИНСОН ШАЪНИ, КАДР-ҚИММАТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҚАМ КАФОЛАТИ

"Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустақамлаш замин яратди". Ушбу ҳаққоний эътироф Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 16 ноябрда имзолаган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунни

байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойишда алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель кунини ўтказилган референдумда иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи янги таҳрирдаги Конституциямизни ёқлаб овоз бергани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди, шу билан бир қаторда, Бош қомусимизда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо қилиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганини ифода этади.

Нуктаи назар

Халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аввалги таҳрири 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон халқининг ваколатли вакиллари бўлиши парламент аъзолари, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлари томо-

нидан қабул қилинганини биламиз. Бундан фарқли ўлароқ мамлакатимиз Асосий Қонунининг янги таҳрири бевосита умумхалқ референдумида — тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан қабул қилинди. Шу маънода, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг ҳақиқий муаллифи халқнинг ўзидир. Фуқароларнинг хоҳиш-иродаси эса ислохотларнинг манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 7-моддаси биринчи бандида "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деган норма белгилаб қўйилган. Бу норма тимсолида Ўзбекистон Республикасида жомхон миқёсида умумэтироф этилган халқ ҳокимиятчилиги принципи, яъни халқ суверенитетининг ташувчиси ва давлат ҳокимиятининг ягона манбаи эканини англатувчи тамойил мустақамлаб қўйилган.



Муҳокама

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Жаҳон болалар кунини нишонлашга йўналтирилган бир ҳафталик тадбирлар доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Жоффри Ижумба, Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ташриф буюрган болалар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар билан учрашди.

Унда Сенат Раиси мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижаларга бирма-бир тўхтади. Аввало, юртимизда болаларни мажбурий меҳнатга жалб қилишга мутлақо чек қўйилгани, уларни узлуксиз таълим билан қамраб олиш, таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилаётгани алоҳида таъкидланди.

Сўнгра БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг Ўзбекистон учун тавсияларини фўкарлик жамияти ва болалар орасида тарқатишнинг ўзига хос аҳамияти юзасидан батафсил маълумот берилди. Айни чоғда болалар билан ишлашда ҳар бир маълумот тушунари шаклда бўлиши ва бунда уларнинг ёш хусусияти ҳисобга олиниши кераклиги айtilди.

Уз навбатида, яқинда ўтказилган сўров натижалари тақдим этилди. Унда 1800 дан ортиқ респондентлар бола ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича ўз фикрларини билдирган.

Сўров натижаларига кўра респондентларнинг тўртдан бир қисмидан озорғи, яъни 22 фоизи бола ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларни қандай ҳимоялашни билади. Баъзи болалар ўз ҳуқуқлари ҳақида гапиришдан уялади ёки ҳуқуқини ҳимоялашга ҳаракат қилса, жазоланишдан қўрқди. Болаларнинг 60 фоизидан ортиғи, агар улар ҳуқуқлари у ёки бу сабабга кўра бузилмаган бўлса, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаганини айтган.

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар

парламенти вакиллари ҳам болаларнинг кўп бузиладиган ҳуқуқлари юзасидан ўз фикрларини билдириб, ҳуқумат ва парламентга қатор тақлифларини баён қилди.

Шу билан бирга, иштирокчилар томонидан мактабга бормаслик, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит, болаларнинг йўлларда хавфсизлигини таъминлаш, оилада зўравонлик ва ўсмирлар руҳий саломатлиги масалаларига ҳам ургу берилди.

Шунингдек, иштирокчилар рақамли дунёда бола ҳуқуқларини белгилловчи БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 2021 йилдаги 25-умумий шарҳини амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Сўровлар натижалари ҳам бунчи тасдиқлайди. Негаки, мазкур сўров натижаларига кўра қишлоқ жойларда респондентларнинг 70 фоизи, шаҳар ва вилоят марказларидаги респондентларнинг 85 фоизи интернетдан бепул фойдаланиш имкониятига эга. Шундан келиб чиқиб, ёш иштирокчилар интернетдаги зарарли сайтларни блоклаш ҳамда глобал тармоқда болалар хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини қайд этишди.

Яқинда ННТ вакиллари ва ёшлар бола ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар муҳокамаларида, хусусан, қонунчилик ва маъмурий қондаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш жараёнида мунтазам иштирок этиш истагини билдирди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмиталарида

ҲАР БИР МАСАЛАНING ЧУҚУР ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Сенатининг қатор қўмиталари йиғилишларида навбатдаги ялпи мажлисдан ўрин олган масалалар чуқур таҳлидан ўтказилди. Негаки, мазкур масалаларнинг ҳар бири юртимизда олиб борилаётган ислохотларга янги сурат беришга йўналтирилгани билан алоҳида эътиборга молик.

Кейинги йилда ҳам бюджет ҳаражатида ижтимоий йўналиш етакчилик қилади

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида"ги қонуни сенаторлар, экспертлар ҳамда тегишли вазири ва идоралар вакиллари иштирокида муҳокама қилинди.

Қонунга мувофиқ, 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръати 5,6-5,8 фоиз, унда сановат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми — 6, қишлоқ хўжалиги — 4 ва бозор хизматлари 14,9 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Қонунда консолидацияланган бюджет тақчиллигини 2024 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан — 4, 2025-2026 йилларда эса

3 фоиздан оширмаслик, ўрта муддатда асосий солиқ ставкаларини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш, солиқ ва бюджет сиебатини босқичма-босқич Жаҳон савдо ташкилоти талабларига ўйунлаштириш, бюджет очиклигини таъминлаш ҳамда бюджетни шакллантиришда фуқаролар иштирокини янада ошириш, "Яшил бюджетлаштириш" тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилган.

Келгуси йилда консолидацияланган бюджет даромадлари 375 трлн. сўм, ҳаражатлари 427,6 трлн. сўм миқдориди режалаштирилгани ҳолда консолидацияланган бюджет 52,6 трлн. сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиз миқдориди тақчиллик билан шакллантирилди.

Давлат бюджети даромадлари 270,4 трлн. сўм, ҳаражатлари эса давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни инобатга олган ҳолда 312,9 трлн. сўмни ташкил этмоқда.

Давлат мақсадли жамғармалари даромад ва ҳаражатлари тегишинча 55,2 трлн. сўм ва 85,8 трлн. сўм миқдориди режалаштирилмоқда.

Кейинги йилда ҳам бюджет ҳаражатида ижтимоий йўналиш етакчилик қилади. Яъни таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, фан, маданият ва спортни ривожлантириш, муҳтож аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда бошқа ижтимоий тадбирлар учун жами Давлат бюджети ҳаражатларининг 50 фоизи ёки 151,6 трлн. сўм йўналтирилади.

Ийгилишда "Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам таҳлидан ўтказилди.

Маъмурий ислохотлар жараёнида Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг ҳудудий марказлари вазири, функция ва ваколатлари Адлия вазирлигига ўтказилгандаги хабарини бора. Шу муносабат билан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгариш киритилмоқда.

Жумладан, Адлия вазирлиги зиммасига аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш ва интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш йўналишларидаги вазибалар юклатилмоқда, вазирилик жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиши, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича жавобгарлик чораларини кўриш сингари қатор ваколатларга эга бўлмоқда.

Шунингдек, қўмита мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам таҳлидан ўтказилди.

Кайд этилганидек, интернет сифатини яхшилаш, алоқа хизматларини талаб даражасида тақчиллаштириш ҳамда мамлакатимизда сунъий йўлдош алоқа операторлари фаолиятини тартибга солиш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгаришлар киритилмоқда.

Шунингдек, мажлисда "Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам таҳлидан ўтказилди.

«Халқ сўзи».

«Ҳукумат соати»

ЭНЕРГЕТИК БАРҚАРОРЛИК ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги "Ҳукумат соати" бўлиб ўтди. Унда депутатлар "Мамлакатимизда энергетик барқарорлиқни таъминлаш ва энергетика соҳасини қиш мавсумига тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисида"ги масалани муҳокама қилдилар.

Мазкур масала юзасидан депутатларнинг саволларига энергетика вазири Ж. Мирзамаҳмудов жавоб берди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий тармоқлар ва ижтимоий соҳада электр энергияси самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилди.

Хусусан, иқтисодий электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда "яшил" иқтисодий технологияларини барча соҳага жорий этиш мақсадида 2022 йилда умумий қиймати 700 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган хоржий инвестицияларни жалб қилиш хисобига Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида умумий қуввати 1 374 мегаватт бўлган 6 та иссиқлик ва 100 мегаватт қувватли 1 та қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.

"Ҳукумат соати"да депутатлар аҳоли, ижтимоий соҳа объекти ва иқтисодий тармоқларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, энергияни тежайдиган илғор технологиялар жорий этиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар билан қизиқдилар.

Ушбу саволга энергетика вазири томонидан атрафлича маълумот берилди. Бугунги кунда ижтимоий соҳа объекти ва иқтисодий тармоқларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш бўйича қатор

амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, электр таъминотини яхшилаш мақсадида ҳудудларда 831 км. магистраль, 29 562 км. тақсимловчи электр узатиш тармоқлари, 8 та магистраль подстанциядаги трансформаторлар ҳамда 10 158 та трансформатор пунктини мукамал таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди, 961 км. паст кучланили электр тармоқлари ва 228 та трансформатор пункти янгиланди. Шунингдек, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги подстанцияларнинг қуввати 400 МВТга оширилди.

Белгиланган вазибаларни ўз вақтида бажариш мақсадида ҳудудий электр тармоқлари корхоналарида қиш даври учун 258 та ҳар қил қувватли трансформаторлар, 70 тонна сим, 80 км. кабел ва 490 тадан ортиқ муфта-лардан иборат авариявий захира яратилди.

Депутатлар соҳада олиб борилаётган ишларни эътироф этиб, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, муқобил энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш, уларга хизмат кўрсатиладиган корхоналарни ташкил этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича саволлар беришди.

Ж. Мирзамаҳмудовнинг қайд этишича, жаҳонда энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортиши ва иқлим ўзгариши фондида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш, энергия самарадорлигини ошириш долзарб масалага айланган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ушбу соҳада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.



Бугунги кунда давлат-хусусий шериклик асосида йрик қувватли қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш лойиҳалари ижросини таъминлаш, электр энергиясини сотиб олиш бўйича 21 битим, ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган электр энергиясини транспортировка қилиш юзасидан 5 та шартнома, асосий шартларнинг 13 та англашув меморандуми имзоланди.

Вазирнинг ахборотида кўра, жорий йилда умумий қуввати 2 817 МВт бўлган 8 та лойиҳа доирасида дастлабки 1 517 МВт янги қувватлар ишга туширилди. Шунингдек, Навоий вилоятида қуввати 500 МВт шамол электр станциясини қуриш лойиҳаси доирасида 111 та "Goldwind" шамол турбинасидан 23 таси қурилиш майдонига тўлиқ комплекс ҳолатда келтирилиб, шундан 16 таси ўрнатилди, 33 та турбина асосларининг қурилиш ишлари якунланди.

Бундан ташқари, Тошкент вилоятида Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси томонидан қуввати 400 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш лойиҳасининг тармоқ жадвалларига мувофиқ дастлабки 100 МВт қуввати жорий йилнинг декабрь ойида тармоққа узатилади.

Қайд этилганидек, кичик

қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2023 йил 21 ноябрь ҳолатига республика бўйича 402,3 МВт қуёш панеллари ва 1 103,4 минг литрли геотермоколлекторлар ўрнатилган. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь — октябрь ойларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежай буйича тақилми-техник тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 852,5 млн. куб метр табиий газ ва 900,7 млн. кВт-соат электр энергияси тежайган.

Ёқилғи энергетика ресурсларини тежай чора-тадбирлари, шунингдек, иқтисодий энергия сифими қўри бўлган тармоқларда модернизацияга қаратилган давлат дастурларининг амалга оширилиши натижасида асосий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг энергия сифимиллик даражаси кўрсаткичи 2019 йилдаги 14,6 фоиздан 2022 йилда 8,98 фоизни ташкил қилган ҳолда 5,62 фоизли пунктга камайган.

Шунингдек, энергия ресурсларидан оқилна фойдаланиш таъминлаш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича бошқа бир қанча чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

"Ҳукумат соати"да депутатлар вазири олдиға бир

қатор масалаларни қўйди. Хусусан, халқ вакиллари аҳоли ва ижтимоий соҳа объектиларига суьлтирилган газ ўз вақтида етказиб берилаётгани сабаблари билан қизиқиб, қуёш-қуёш мавсумини беталафот ўтказиш, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектиларини узлуксиз энергия ресурслари билан таъминлаш бўйича саволлар беришди. Шунингдек, қуёш панеллари ўрнатилган хонадонларни тармоққа улаш, энергияни электр тармоқлари корхоналарига сотиш учун шартнома тузишда юзага келаётган айрим масалаларга масъуллар эътиборини қаратишди.

Савол-жавобларга бой бўлган "Ҳукумат соати"да депутатлар соҳада эришилган ютуқларни эътироф этиб, энергетика тизимидаги кўрсаткичларни янада ошириш, энергия ресурсларидан оқилна ва мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар берди.

Муҳокамалар сўнгида кун тартибидиға масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келиши олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Қонунчилик палатаси қўмитасида

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузаси юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Унда агентлик томонидан коррупциявий хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш борасида изчил чоралар кўрилаётгани таъкидланди.

Амалга оширилган маъмурий ислохотлар орқали "кўл" бошқарувидан "автоматик" бошқарув тизимига ўтилмоқда. Натижада вазириларнинг мақоми, ваколатлари, Президент, парламент ва жамоатчилик олдидаги сиесий масъулияти ҳамда жавобгарлиги кескин оширилмоқда. Вазирилик ва идоралар функцияларининг оптималлаштирилиши боис хусусий секторга ўтказилаётган давлат функциялари камида 3 баробарга кўпайтирилмоқда.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида очиклик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган Очиклик индекси жорий этилди. Давлат органлари ва ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича "E-Anticorruption" лойиҳаси ишга туширилди.

Давлат хизматларини кўрсатиш сифати яхшилланиб, ортиқча тартиб-таомиллар қисқартирилди ҳамда электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари сони оширилди.

2022 йил учун "Transparency International" ташкилотининг "Коррупцияни қабул қилиш индекси" янги рейтингда Ўзбекистон 14 поноғана кўтарилиб, индекс баҳорисда қаторасига 9 йил давомида барқарор ўсишга эришилди. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган жами 17 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уларнинг 13 таси қабул қилинган.

Ийгилишда қайд этилганидек, агентлик томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муражаатлари, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар ҳамда давлат харидларини амалга оширишда қонун бузилиши ҳолатлари бўйича ҳудудлар ва соҳалар кесимида 60 га яқин ўрнатишлар ўтказилган.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш борасида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд. Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари

билан биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлашга масъул орган бўлса-да, бу жараёнда ушбу фуқаролик жамияти институтларининг ролини етарли, деб бўлмайди.

Муҳокамалар давомида агентлик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилиши ва уни такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиши белгиланган бўлса-да, ушбу вазифа ижроси таъминланмагани натижасида айрим соҳалар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияген нормалар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Жумладан, 2022 йил давомида ўтказилган экспертиза натижаларига кўра, ижтимоий таъминот, ижтимоий сугурта ва ижтимоий ҳимоя, молия, кредит ва банк фаолияти, тадбиркорлик ва хўжалик фаолияти ҳамда божжона иши ва ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи 238 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатда 339 та коррупциявий омил аниқланган бўлса-да, уларни бартараф қилиш ишлари якунига етказилмаган.

Агентликка коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий суриштирувлар ўтказиш, коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадида қонунчилик, жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигиға мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганишга доир ваколатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш борасидаги ишлар якунига етказилмасдан қолмоқда.

Бундан ташқари, агентликнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳолатлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳуқуқидан самарали фойдаланилмайпти.

Ийгилишда депутатлар бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши билан боғлиқ материалларни ўрганиш, шунингдек, ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорлари қонунийлиги юзасидан ўтказилаётган назорат самарадорлигини ошириш юзасидан тақлиф-тавсиялар беришди.

Яқинда соҳани такомиллаштириш ҳамда агентлик томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қатор тақлифлар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 43-СЕССИЯСИ САМАРҚАНДА ЎТКАЗИЛАДИ



Нуфузли анжумани ўтказиш учун айнан Самарқанд шаҳри танланган бежиз эмас. Чунки қўнжа Самарқанд асрлар давомида миллатлараро мулоқот, ўзаро маданий ва маънавий ҳамкорлик, савдо ва илмий алмашинувлар ҳамда дипломатик алоқалар беш-ши, маданият ўчоғи бўлиб келган.

Буюк бобоклонимиз Бобур Мирзонинг "Бобурнома" асариди ва кенга шундай таъриф берилган: "Ер юзини аҳоли яшайдиган қисмида Самарқандча латиф шаҳар қамроқдир... Хеч думман қаҳр ва ғалаба билан бунчи эгаллай олмагани учун "балдаи мафхуза" яъни "ҳимоядаги шаҳар" дерлар".

Жаҳонда қиёси бўлмаган латиф шаҳар яна дунё марказига айланади. Ушбу нуфузли анжуман боис Самарқандға миллилардлаб замондошларимиз нигоҳи қадалади. Улуғвор ва бетакрор шаҳар яна бир бор шукўға чулғанади.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон ўтган давр мобайнида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни самарали тарзда амалга оширди. Хусусан, ташкилотнинг Умумжаҳон мероси рўйхатиға Ўзбекистондаги 7 та объект киритилган ва яна 31 та объект унга киритиш учун тақдим этилган. Шунингдек, Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхати ва энг илғор тажрибалар реестридан 15 та меросимиз жой олган. Муҳими, ушбу йўналишдаги ҳамкорлигимиз изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Хозирдан айтиш мумкинки, Самарқанд шаҳри мезоблик қиладиган ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси доирасида нафақат аъзо давлатлар истиқболига дохил бўлган, балки бутун дунёда таълим, фан ва маданият соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантириш йўли билан тинчликка ва халқаро хавфсизликка кўмаклашдиға таъсир этувчи муҳим қарорлар қабул қилинади. Айни чоғда мазкур анжуман Ўзбекистонимизнинг моддий ҳамда номоддий маданий меросини дунёға танитиш ва тарғиб этишда ўзига хос мулоқот майдони вазифасини ҳам ўтайди.

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ

– ИНСОН ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимизда Янги Ўзбекистон — инсон шаъни ва қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланган давлат бўлиши; халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши; “одамлар ташвиши билан яшаш”, халқимизнинг қонуний талаб-истаклари ва хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш давлат органлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонига айланиши; барча муҳим қарорлар аҳоли иштирокида, фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашув асосида қабул қилиниши каби принцип ва ғояларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Демократиянинг талабу таомили ва устуңлиги ҳам шунда. Бунда қонун чикарувчи ва ижро органларидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш; демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент ва сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш; ҳокимият тармоқларини тийиб туриш ва мувозанатни сақлашда парламент ролини ошириш; давлат хизматлари сифати ва самардорлигини яхшилаш, давлат органлари фаолиятининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда парламент ва жамоатчилик назорати механизмларини амалга татбиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Давлат органлари халққа хизмат қилиши керак!

Юқорида айтиб ўтилган модданин иккинчи банди биринчи қисмида белгиланган Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши тўғрисидаги норма ҳам айтиб ўтилган фикрларнинг тасдиғидир. Ҳеч шубҳасиз, ушбу нормалар мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилигининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда халқимиз хоҳиш-иродаси ва инсонларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Мазкур модданин иккинчи бандида яна бир умумэтироф этилган тамойил мустаҳкамланган. Унга кўра давлат ҳокимияти фақат “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади”.

Конституциядаги ушбу қоидалар 10-модданин “Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президент иш олиб бориши мумкин”, деган биринчи бандида янада аниқ ифода этилган ва чуқур очиб берилган. Яъни жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат биришмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақиқи эмас.

Ушбу нормалар талқини асосида шуни таъкидлаш ўринлики, инсоният таърихида негизда демократиянинг икки тури ишлаб чиқилган. Булардан бири — тўғридан-тўғри, яъни бевосита демократия бўлса, иккинчиси — сайланган вакилларнинг тегишли муассасалари орқали амалга ошириладиган вакиллик демократиясидир.

Шунга кўра Ўзбекистонда бошқарув давлат ҳокимиятининг уч тармоқдан иборат тизими орқали амалга оширилади: Олий Мажлис қонун чикарувчи вакиллик органи сифатида қонунларни қабул қилади, Вазирлар Маҳкамаси бошчилигидаги ижро ҳокимияти уларнинг ижросини таъминлайди, судлар одил судлов органлари сифатида низооларни қонун асосида ҳал қилади. Ушбу органларнинг ҳар бири муайян доирадаги ваколатларга эгадир.

Янги Ўзбекистон — демократик ва ҳуқуқий давлат

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 7-моддаси учинчи бандида: “Конституцияда назарда тутилмаган тар-

тибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият органлари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тuzиш Конституцияга ҳилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади” деб белгиланган.

Бу нормалар Янги Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ҳисобланиб, мамлакатда ҳокимият алмашини фақат Конституция ва қонунлар асосида таъминланади, деган тамойил ҳаётга татбиқ этилишининг кафолатидир. Давлатнинг ҳуқуқий сиёсати инсонпарварлик, демократия, ижтимоий адолат ва сиёсий хилмаҳиллик принципларига асосланади.

Янги Ўзбекистонда халқимизнинг бой таърибаси ва маданий анъаналарига асосланган демократия ўрнатилмоқда, бунда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва қатламлари манфаатлари ҳисобга олинади. Зўравонликка асосланган эскича маъмурий-бўйруқбозлик тизими қолдиқлари ниҳоят барҳам топди, кўп партиявийлик, ғоя ва фикрлар хилмаҳиллиги одатий ҳолга айланиб бормоқда.

Ўз навбатида, ушбу конституциявий нормалар умумэтироф этилган бир қатор принципларга ҳам тўла мос келади.

Хусусан, “Конституция ва қонунлар устуңлиги” принципини олайлик. Давлат органларининг ваколатлари Президент, парламент ёки ҳукуматнинг ҳар хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан эмас, балки фақат Конституция ва қонунлар билан белгиланади. Давлат органлари Конституция ва қонунларга сўзсиз бўйсунуши ва ўз ваколатларини шу ҳуқуқий негиздагина амалга ошириши шарт. Бу қатъий мезон қонун устуворлигининг ҳам муҳим белгиси ҳисобланади. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат биришмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс томонидан “давлат ҳокимиятининг тортиб олиниши”га йўл қўйилмайди.

Шунингдек, инсоннинг сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалга ошириши, давлат органларининг демократик асосда шаклланишини таъминлаш, жамиятнинг демократик сиёсий тизимини шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда демократик институтлар, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш кафолатланади.

Янги Ўзбекистон — ижтимоий ва дунёвий давлат

Конституциямиз Муқаддимасида давлат ва жамият тараққийотининг ҳуқуқий мафкуриси, халқимиз Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида таянадиган конституциявий қадриятлар ва тамойиллар аниқ белгилаб берилган.

Биринчи тамойил — инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқлик. Бу билан Конституциямиз инсоннинг асрлар давомида дунёда шакланган асосий маънавий-ахлоқий қадриятлари ва асосий ҳуқуқларини ўзида муҳасам этган ҳолда, инсоннинг олий қадрияти — унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати эканини эълон қилди.

Конституциямизнинг аввалги таҳриридан фарқли ўларок, унинг янги таҳрирининг асосий ғояси шахсининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, инсон шаъни ва қадр-қимматини таъминлаш, илгари мавжуд бўлган “давлат — жамият — шахс” парадигмасини янги: “инсон — жамият — давлат” тамойилга ўзгартиришдан иборат.

Давлатимиз раҳбари таърифига кўра, инсон қадри — мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаёт, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлар, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминланишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини аниқлатади.

Бугунги кунда инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ғояси давлатимизнинг бутун ички ва ташқи сиёсатининг тамал тошига, Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислохотлар-

нинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучига ҳамда ушбу эзгу саъй-ҳаракатларни ўзаро боғлаб турувчи муҳим омилига айланди.

Агар дунё мамлакатлари Конституцияларида инсоннинг 110 дан ортук ҳуқуқлари қайд этилганини ҳисобга олсак, ҳозирги кунда шундан 90 таси янги таҳрирдаги Конституциямизда мавжуд. Яъни бу Конституция, том маънода, Ўзбекон “Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билл”га айланди, дейишга барча асослар бор.

Иккинчи тамойил — демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига содоқат. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқро ҳуқуқда “инсон қадр-қиммати” тушунчаси ҳар бир инсон ҳурматга лойик эканини тушунишга асосланган тенглик ва шахсий эркинлик тушунчалари билан узвий боғлиқ.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқро шартномаларда таъкидланганидек, эркинлик шахсининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишида давлат аралашувининг йўқлигини аниқлатади. Шу маънода, конституциявий ислохотларда ҳуқуқий, ижтимоий давлат императивини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бирдамлик, адолатли ижтимоий сиёсат, инсон капиталини ривожлантириш тамойиллари устуворлигига таянилади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясида давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятларига таллуқли нормалар 3 баробар кўпайди. Энг муҳими, Асосий Қонунимизда биринчи марта “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” (1-модда), деган норма белгиланди.

Ижтимоий давлат, деганда, аввало, ўз фуқароларига муайян минимал фаровонлиқни кафолатлайдиган давлат тушунилади. Янги Ўзбекис-

ти мажбуриятлари ҳам шулар жумласидандир.

Тўртинчи тамойил — давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий таърибасига, шунингдек, жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниш.

Ўзбек халқининг тарихи асрлар қаърига бориб тақалади ва уч минг йилдан ортук даврни қамрайди. Юртимиз ҳудудида ўз даврида гуллаб-яшнаган — Катта Хоразм, Бақтрия, Сўғд, Ўрта асрлардаги Мовароуннаҳр, Туркистон каби давлатлар; Самарқанд, Бухоро, Термиз, Тошкент, Хива, Шахрисабз сингари ўнлаб ноёб қадимий шаҳарлар жаҳон маданиятида ёрқин из қолдирган. Ана шу бой ўтмишимиз цивилизация жараёнлари ва фалсафий қарашлар, илм-фан, айниқса, тиббиёт, астрономия, география, математика, геодезия ва архитектура соҳалари ривожига, маданий ва маънавий қадриятларнинг шаклланишига сезиларли даражада ҳисса қўшди.

Шу билан бирга, халқимиз тарихи, турмуш тарзи ва анъанавий маданиятида маънавий-ахлоқий, илмий, диний ва ҳуқуқий қадриятлар муҳим ўрин тутган. Улуғ аждодларимизнинг маънавий юксалишга даъват этувчи эзгу амаллари, диний-ахлоқий, ҳуқуқий эътиқоди Конституциямизни маънавий бойитди.

Конституцияда халқимизга хос меҳр-оқибат, ўзга миллат вакилларига ҳурмат, билимга интилиш, орномус ва қадр-қиммат, бағрикенглик ва ҳаё қаби фазилатлар ўз ифодасини топди. Унда муқаддас Валаримиз халқига хос адолат, ростгўйлик, олийжаноблик, мардлик ва саховат каби юксак фазилатлар ҳам мужассам этилди.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси, том маънода, ўзбекон “Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билл”га айланди.

тоннинг асосий мақсади — ҳар бир фуқарога ғамғўрлик қилиш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатлами учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашдан иборат.

Учинчи тамойил — ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни аниқлаш (авлодлар ҳуқуқлари тенглиги принципи), шунингдек, мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини кўпайтиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлаш, атроф-муҳит муҳофазалигини сақлашга астойдил интилиш.

Ҳозирги вақтда кўпгина ривожланган давлатлар, глобал иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, ўз Конституцияларига махсус экологик бўлимларни киритмоқда. Жумладан, дунёнинг 100 дан ортук давлатлари Конституцияларида жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар эҳтиёжларига жавоб берадиган экологик ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари мустаҳкамланган.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз янги хусусиятларининг таҳлили бу борадаги нормалар мустаҳкамлангани ва янада кучайтирилганини кўрсатади. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 115-моддасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни ва биологик хилмаҳилликни сақлаш, иқлим ўзгаришига, эпидемияларга, пандемияларга қарши курашиш ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини, 49-моддасида эса ҳар қимнинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш белгиланган.

Давлатнинг барқарор ривожланиш принциплари мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, шунингдек, Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чораларни амалга ошириш соҳасида-



риш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа соҳаларда 30 дан ортук ташаббуслар илгари сурилгани ҳам тасдиқлайди. Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан кейинги йилларда БМТ Бош Ассамблеясининг 7 та резолюцияси қабул қилинди ва буларнинг барчаси, албатта, БМТга аъзо давлатнинг энг фаол ва самарали раҳбари сифатида эътироф этилган Президент Шавкат Мирзиёев сиёсатининг бе-мисл муваффақиятидир.

Олтинчи тамойил — фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириниши, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлиқни, кўп миллатли жонаҳон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлаш.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз дунёвий давлат, очик ва адолатли жамият қуриш, унда тенглик ва тенг ҳуқуқлилик принципларини ҳаётга татбиқ этиш, фуқаролар, айниқса, аёллар ва болалар ҳуқуқларини камситмаслик ғояларига асосланади. Бунда юртимизда инсон ҳуқуқлари маданияти тобора юксалаётгани, инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматига ҳурмат руҳи шаклланаётгани алоҳида аҳамият касб этади.

Бош қомусимиз Муқаддимасида Ўзбекистон халқи ушбу Конституцияни, жумладан, “фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида” қабул қилгани алоҳида таъкидланган. Шу маънода, Асосий Қонунимиз — биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки миллий ғурур-ифтихор, керак бўлса, ушбу заминда истиқомат қилаётган, жинси, ирқи, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри амал қиладиган Асосий Қонун

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 1-моддасида давлат қурилишининг янги стратегик мақсади — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуриш эканлиги қатъий белгиланди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди. Айниқса, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муқола янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамлангани эътиборга сазовор.

Энг асосийси, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг: биринчидан, мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эгаллиги; иккинчидан, тўғридан-тўғри амал қилиши;

Мухтасар айтганда, бугун Конституциямизнинг янги нормаларида асосий эътибор инсон, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилганини ишонч билан таъкидлаш мумкин. Янги таҳрирдаги Асосий Қонуннинг қабул қилиниши билан бу борада янада мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий асос яратилди. Бинобарин, Янги Ўзбекистон ўзининг ушбу соҳалардаги халқро мажбуриятларига қатъий содиқлигини яна бир бор намоён этди.

Конституциямизда Европа, Осиё, Шарқ ва Америка минтақаларида жойлашган дунё давлатларининг ижобий конституциявий таърибаси ўз аксини топган. Асосий Қонунимиз ҳуқуқшунос олимлар, сиёсатшунослар, кўплаб халқро ташкилотлар мутахассислари томонидан сиңичлаб ўрганилган бўлиб, унга инсон ҳуқуқлари бўйича халқро ҳуқуқ нормалари қўшимча равишда уйғунлаштирилгандир.

Ишончимиз қомилки, халқро ташкилотлар вакиллари ва экспертлар ҳолис ва тўғри таъкидлаганларидек, Ўзбекистон Конституциясининг янги таҳрирда қабул қилиниши “Инсон шаъни ва қадр-қиммати учун” тамойили асосида халқ фаровонлигини янада юксалтириш, инсон, фуқаролик жамияти ва давлатни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

учинчидан, ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этишига тааллуқли конституциявий нормалар мустаҳкамлаб қўйилди. Эски таҳрирдаги матнда Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллашга доир ушбу механизмлар мавжуд эмасди.

Бош қомусимизнинг “Конституция ва қонуннинг устуңлиги” бобидаги 15 ва 16-моддаларнинг янги ва эски матнидаги нормалари ўзаро қиёсланса, бу фикрларимиз қанчалик ҳаққоний экани ўз тасдиғини топади. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ:

“Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устуңлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қиладиган ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади”.

Шу ўринда 2023 йил 8 май куни Президентимизнинг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганини таъкидлаш лозим. Ушбу муҳим ҳужжат талаблари:

- янги таҳрирдаги Конституциямизни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш;
- унда мустаҳкамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улугвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш;
- давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш;
- фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш мақсадларига қаратилган.

Фармонда белгиланганидек, “янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янги, замонавий ва жуда муҳим нормаларнинг ҳаётга қатъий ҳамда изчил татбиқ этилиши, хусусан, судлар томонидан ана шу конституциявий қоидаларнинг тўғридан-тўғри қўлланиши юртимиз ва халқимиз тарихида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва қадр-қимматини улуғлаш борасида янги даврни бошлаб бермоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баянлар парвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириниши, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз”.



ЎЗБЕКИСТОН ВА БУТУН МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ НУФУЗИНИ ЖАҲОН МИҚЁСИДА ТАРҒИБ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МУҲИМ ТАДБИР

“Дунё” АА муҳбири ЮНЕСКО Бош конференцияси 42-сессиясининг айрим иштирокчилари билан суҳбатлашди.

Сомия ЖАКТА, Ислон ҳамкорлик ташкилотининг (АЙСЕКО) ЮНЕСКО хузуридаги доимий кузатувчилар миссиясининг алоқа бўйича офицери:

— АЙСЕКОнинг ЮНЕСКО хузуридаги Доимий кузатувчилар миссияси номидан Ўзбекистонни Самарқанд шаҳри 2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказиладиган жой этиб эълон қилинган билан самийи табриклайман. Парижда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 42-сессиясида мамлакатингиз делегацияси ташкилотнинг навбатдаги сессиясини Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон тақдирини илгари суриш борасида катта ишларни амалга оширди. Натижада 2025 йилда ЮНЕСКО Ўзбекистонда тақдим этилади.

Мамлакатингизни ушбу ажойиб воқеа билан яна бир бор табриклайман.

Содиқ Шер-НИЁЗ, Қирғизистоннинг ЮНЕСКО хузуридаги доимий вакили, элчи:

— Ўзбекистонни ушбу чинакам

буюриш имконига эга бўлган эдим. Фахрий меҳмон сифатида менинг юртим Габоун тақдирини қилинди. ЮНЕСКО Бош конференциясининг навбатдаги сессияси ушбу гўзал шаҳарда бўлиб ўтатганида Самарқандга иккинчи марта боришимдан жуда хурсандман.

Адам Аль МУЛЛА, Кувейтнинг ЮНЕСКО хузуридаги доимий вакили, элчи:

— Ўзбекистон, унинг халқи ва ҳукумати ушбу муҳим воқеа билан чин қалбимдан табриклайман. Ташкилотга аъзо барча давлатлар вакиллари Ўзбекистоннинг Бош конференциянинг навбатдаги 43-сессиясини 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги қарорини олишлайман. Ўзбекистон катта давлат. ЮНЕСКО дунёга очик ташкилотдир. 2022 йил декабрь ойида ЮНЕСКО томонидан таълим бўйича халқаро конференция ташкил этилганида Самарқандга ташриф

Рэйчел Анник Огула АКИКО, Габоуннинг ЮНЕСКО хузуридаги доимий вакили, элчи:

— ЮНЕСКО Бош конференцияси 42-сессиясининг навбатдаги, 43-сессияни Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги қарорини олишлайман. Ўзбекистон катта давлат. ЮНЕСКО дунёга очик ташкилотдир. 2022 йил декабрь ойида ЮНЕСКО томонидан таълим бўйича халқаро конференция ташкил этилганида Самарқандга ташриф

буюриш имконига эга бўлган эдим. Фахрий меҳмон сифатида менинг юртим Габоун тақдирини қилинди. ЮНЕСКО Бош конференциясининг навбатдаги сессияси ушбу гўзал шаҳарда бўлиб ўтатганида Самарқандга иккинчи марта боришимдан жуда хурсандман.

Адам Аль МУЛЛА, Кувейтнинг ЮНЕСКО хузуридаги доимий вакили, элчи:

— Ўзбекистон, унинг халқи ва ҳукумати ушбу муҳим воқеа билан чин қалбимдан табриклайман. Ташкилотга аъзо барча давлатлар вакиллари Ўзбекистоннинг Бош конференциянинг навбатдаги 43-сессиясини 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги қарорини олишлайман. Ўзбекистон катта давлат. ЮНЕСКО дунёга очик ташкилотдир. 2022 йил декабрь ойида ЮНЕСКО томонидан таълим бўйича халқаро конференция ташкил этилганида Самарқандга ташриф

буюриш имконига эга бўлган эдим. Фахрий меҳмон сифатида менинг юртим Габоун тақдирини қилинди. ЮНЕСКО Бош конференциясининг навбатдаги сессияси ушбу гўзал шаҳарда бўлиб ўтатганида Самарқандга иккинчи марта боришимдан жуда хурсандман.

жуман Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси нуфузини жаҳон миқёсида тарғиб этишга хизмат қилади.

ЮНЕСКОга аъзо давлатлар жуда тўғри қарорга келганидан барчамиз хурсандмиз. Бош конференция иштирокчилари юртингиз гўзаллиги ва халқингиз меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлиш учун Ўзбекистонга боришни интиқлик билан кутади.

Яна бир бор Ўзбекистон халқи ва ҳукумати табрикларимни йўлайман.

Симона-Мирела МИКУЛЕСКУ, Руминиянинг ЮНЕСКО хузуридаги доимий вакили, Бош конференциянинг 42-сессияси раиси, элчи:

— Ўзбекистон халқи ва ҳукумати ушбу тарихий муваффақият билан табрикландан мамнунман. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 42-сессиясига раислигим давомида ушбу муҳим қарор қабул қилинган жуда хурсандман. Шарқий европалик, руминиялик сифатида мен дунёнинг ушбу қисми қандай меҳмондўстлик кўрсатиши мумкинлигини бутун дунёга кўрсата олишимиздан фахрланаман.

Айниқса, Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг тажрибаси, ушбу муҳим қарорга олиб келган бутун жараён мени хайратга солди. Улар кечаю кундуз ишладилар, дипломатлардек, мен ушбу жараён қандай оғир кечганини биламан. Мен уларни чин юракдан табриклайман. Бу муваффақият глобал аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбарияти, давлат ҳокимияти ва дипломатияси шунчаки ажойиб. Сизда Ўзбекистон нақадар гўзал эканлигини бутун дунёга кўрсатиш учун ажойиб имконият бор.

Родульф Хумберто Перес ЭРНАНДЕС, Венесуэланинг ЮНЕСКО хузуридаги доимий вакили, элчи:

— Фурсатдан фойдаланиб, мен Венесуэла Боливар Республикаси номидан мурожаат қилмоқчимман. Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ушбу фавқуллода галаба билан табриклайман. Бу воқеа бутун кўт бўлиб дунё учун ҳақиқат оқли бўлиб, барча одамлар тенг ҳуқуқли европалик, руминиялик сифатида мен дунёнинг ушбу қисми қандай меҳмондўстлик кўрсатиши мумкинлигини бутун дунёга кўрсата олишимиздан фахрланаман.

Самарқандда кўришгунча! Ўзбекистонни ушбу галаба билан табриклайми! Менинг мамлакатим Венесуэла сиз билан!



«АЛПОМИШ»ДА АЛПЛАР ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ УЧУН БЕЛЛАШДИ

Пойтахтимиздаги “Алпомиш” спорт саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича ўтказилган жаҳон профессионаллар серияси халқаро турнирининг финал беллашувлари ҳаяжонли курашларга бойлиги билан ажралиб турди.

Нуфузли мусобақанинг тантанали очилиш маросимида ёшлар сиёсати ва спорт вазири, Халқаро кураш ассоциацияси фахрий биринчи вице-президенти Адҳам Икромов, Халқаро кураш ассоциацияси президенти Хайдар Фармон, Ўзбекистон кураш федерацияси раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев, қитъавий кураш конфедерациялари, 20 дан зиёд давлатлардан келган миллий кураш федерациялари вакиллари “World Series Pro” турнирлари Африка, Осиё, Европа, Америка қитъаларида зўр муваффақият билан ташкил этилгани миллий спортимиз курашининг халқаро ривожига беқиёс ҳисса қўшганини эътироф этди.

Ўзбекистон Республикаси мадҳияси янграб, шиддатли



беллашувларга изн берилди. Дунёнинг турли давлатларидан келган курашчилар ўртасидаги мurosасиз беллашувларни юзлаб спорт ихлосмандлари диққат билан кузатиб боришди. Айниқса, юртимиз полвонларининг чиқишлари муқимларда бир олам завқ уйғотди. Ўтказилган бахслар натижасида эркалар ўртасида 66 килограмм вазнда терма жамоамиз аъзоси Артём Штурбабин эронлик Мажд Воҳидни мағлуб этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринига эга чиққан бўлса, 2, 3-ўринлар Греция ва Грузия вакилларига насиб этди. 81 килограмм оғирликда ҳамюртимиз, жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари голиби Умид Эсонов барча рақибларидан устун эканлигини намойиш қилди. Совринли ўринлар Миср, Доминикан Республикаси вакилларига тегишли бўлди. 90 килограмм оғирликда Ўзбекистон Республикаси Президенти совринларига Грузия, Латвия, Қирғизистон, Мексика кураш федерацияси спортчилари эгаллик қилди.

Эркалар ўртасида мутлак вазнда кечган беллашувларда голибликка даъвогарлар орасида Греция, Грузия, Мексика давлатларининг вакиллари бор эди. Аммо илк саралаш беллашувларида терма жамоамиз аъзоси, икки карра жаҳон чемпиони Мухсин Ҳисомиддиннов аввалига Грузия вакилини мағлуб этган бўлса, ундан кейин Греция полвонини доғда қолдирди. Шу тариха финалда ҳамюртимиз қирғизистонлик Бекболот Токтоғонов билан рўбарў келди. Мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши, Мухсиннинг чапдастлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини юртимизда қолишни тасминлади. Шу тариха халқаро мусобақада голибликка эришган спортчи 10 минг, 2-ўрин соҳибини 5 минг ҳамда 3-ўринни қўлга киритган курашчилар 1 000 АҚШ доллари билан тақдирланди.

Голиб ҳамда совриндорларни тақдирлаш маросимида Ёшлар сиёсати ва спорт вазири, Халқаро кураш ассоциацияси, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон кураш федерацияси мутасаддилари иштирок этди.



Тўлқин РЎЗИЕВ, ЎЗА МУХБИРИ. Муроҳон ХУҲАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН — БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЖУДА ИШОНЧЛИ МАМЛАКАТ

Хитой Халқ Республикасининг Гуанчжоу шаҳрида Ўзбекистон — Хитой бизнес анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Гуандун провинцияси вице-губернатори Чжан Синь, провинция иқтисодий идоралари раҳбарлари ва етакчи компанияларнинг 170 нафардан ортиқ вакиллари қатнашди.

Эътироф

Хитойлик ишбилармонларга Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, сармоявий муҳити ва технологик ҳамкорлик бўйича имкониятлари намойиш этилди. Электроника ва электротехника, тўқимачилик ва чарм санати, шунингдек, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги истиқболли инвестиция лойиҳалари тақдимотига алоҳида эътибор қаратилди.

Бизнес-анжуманининг очилишида сўзга чиққан провинция вице-губернатори Чжан Синь бугунги кунда Гуандун 2,1 триллион долларлик ялпи ички маҳсулоти ва 1,2 триллион долларлик ташқи савдо айланмаси билан кетма-кет саккизинчи йил ривожланишнинг юқори суръатларини намойиш этаётганини таъкидлади.

“Иқтисодийнинг етакчи тармоқларида илгор қўшма корхоналарни фаол риважида ташкил қилиш ҳамда технология ва инновацияларга эътибор қаратган ҳолда янги инвестиция лойиҳаларини илгари суриш учун катта сармоявий салоҳиятга эга Ўзбекистон учун Гуандун имкониятларидан фойдаланиш муҳим”, деди у.

Вице-губернаторнинг айтишича, бундай форумлар яқиндан ўзаро фикр алмашишга қўмақлашади, ишбилармон доираларнинг ўзаро манфаатларини бирлаштиради. У ҳозир бўлган компанияларни Гуандун ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа яратиш

учун Ўзбекистонга фаол сармоя киритишга даъват этди.

Бизнес-форум давомида Тошкент шаҳрида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда биотибиёт соҳасига ихтисослаштирилган янги технологияларни тадқиқ этиш ва ривожлантириш институтининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон саноат бошқармалари ва вилоят ҳокимликларининг вакиллари Хитойнинг 60 дан ортиқ етакчи компаниялари — салоҳиятли инвесторлар билан икки томонлама музокаралар ўтказди.

Гуандун провинциясининг ишбилармон доиралари Ўзбекистонлик шериклар билан, хусусан, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларида амалий ҳамкорликни йўлга қўйишга қизиқиш билдиришди.

Алберт ТАМ, «ORI Jun (Guangdong) Industrial Development Co. Ltd» компанияси президенти:

— Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат берадиган ушбу Ўзбекистон — Хитой бизнес форумида иштирок этиш менга катта мамнуният баъишлайди.

Шубҳасиз, бундай тадбирлар воситасида

Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонлари ўз ҳамкорларини топишлари, қўшма лойиҳалар тузишлари, фаолиятларини кенгайтиришлари мумкин бўлади.

Компаниямиз Ўзбекистон билан ҳам яқин ҳамкорлик қилади. Биз ўзбеклар юртида бизнесимизни кенгайтиришни режалаштирмақдамиз.

Мен мамлакатларимиз халқлари манфати йўлида ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлашга тайёрман.

Теренс СЮН, «BGi Global Development» компанияси вице-президенти:

— Компаниямиз Шэньчжендаги энг йирик ташкилотлардан бири бўлиб, узоқ вақтдан бери ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биз Ўзбекистонда тиббий лаборатория очдик, илмий-тадқиқот институтлари ва шифоналарга ёрдам беришмоқдамиз. Хусусан, биз соғлиқни сақлаш, скрининг ва саратонни барвақт аниқлаш ишларида фаолият кўрсатаётимиз.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар жадал тараққий этмоқда. Ўзбекистон бизнеси ривожлантириш учун жуда ишончли ва истиқболли мамлакат ҳисобланади.

Вэнь ГЭЧЖИ, Гуанчжоудagi ўқув-тиббий лабораторияларини барпо этиш бўйича «НСЛС» компанияси бош директори:

— Ўзбекистон — Хитой бизнес форумида

янги Ўзбекистонни кашф этганими таъкидлашни истар эдим.

Яратилган сармоявий имкониятлар, мамлакатингизнинг иқтисодий салоҳияти билан батафсил танишишга муваффақ бўлдим.

Тадбирда тиббиёт соҳасида турли тадқиқотлар олиб борадиган компаниямиз мамлакатингиз билан ушбу соҳада ҳамкорлик қилиши учун катта имкониятлар мавжуд эканига амин бўлдим. Биз ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз ва бундан фақат мамнун бўламиз.

Юнхао ЛИ, Гуанчжоу коммуникациялар компаниясининг вакили:

— Ўзбекистон — Хитой бизнес-форумида иштирок этганимдан жуда хурсандман. Ўзбекистоннинг географик нуқтаи назардан ўзига хослиги, илмий салоҳияти, мамлакатдаги таълим тизими каби масалалар бўйича батафсил маълумот олдик.

Биз Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда унинг қўламлигини кенгайтиришдан манфаатдормиз.

«Дунё» АА. Гуанчжоу

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқиб олш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қоғозхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.



Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Таҳририятда келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газетанинг полиграфик марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масуъл. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров. Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.38 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6